


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

2022

2011 йилдан чиқа бошлаган

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
АХБОРОТНОМАСИ



В Е С Т Н И К

ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

***“Bosh va bo‘yin tug‘ma nuqsonlarini
davolashda innovatsion yondashuv”
mavzusidagi xalqaro anjumanni
o‘tkazish to‘g‘risida***

Тошкент



Выпуск набран и сверстан на компьютерном
издательском комплексе
редакционно-издательского отдела
Ташкентской медицинской академии

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста : О.А. Козлова

Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском
управлении печати и информации
Регистрационное свидетельство 02-00128

Журнал внесен в список, утвержденный приказом №
201/3 от 30 декабря 2013года
реестром ВАК в раздел медицинских наук

Рукописи, оформленные в соответствии
с прилагаемыми правилами, просим направлять
по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,

Главный учебный корпус ТМА,

4-й этаж, комната 444.

Контактный телефон: 214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru

rio@tma.uz

Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.

Гарнитура «Cambria».

Тираж 150.

Цена договорная.

Отпечатано на ризографе
редакционно-издательского отдела ТМА.
100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

Вестник ТМА, 2022

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Главный редактор

проф. А.К. Шадманов

Заместитель главного редактора

проф. О.Р.Тешаев

Ответственный секретарь

проф. Ф.Х.Иноятова

ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ

акад. Аляви А.Л.

проф. Билалов Э.Н.

проф. Гадаев А.Г.

акад. Каримов Ш.И.

проф. Комилов Х.П.

акад. Курбанов Р.Д.

проф. Мавлянов И.Р.

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.

проф. Саломова Ф.И.

акад. Соатов Т.С.

проф. Ходжибеков М.Х.

проф. Шайхова Г.И.

проф. Жае Вук Чои

Члены редакционноого совета

д.п.н. Абдуллаева Р.М. (Ташкент)

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)

проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)

проф. Ахмедов Р.М. (Бухара)

проф. Гиясов З.А. (Ташкент)

проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)

проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)

проф. Каюмов У.К. (Ташкент)

проф. Исраилов Р.И. (Ташкент)

проф. Охунов А.О. (Ташкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)

проф. Ризамухамедова М.З. (Ташкент)

проф. Сабиров У.Ю. (Ташкент)

проф. Сабирова Р.А. (Ташкент)

проф. Халиков П.Х. (Ташкент)

проф. Хамраев А.А. (Ташкент)

проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

Доцент Жафаров М.М.

Herald TMA, 2022

EDITORIAL BOARD

Editor in chief

prof. A.K. Shadmanov

Deputy Chief Editor

prof. O.R. Teshae

Responsible secretary

prof. F.Kh. Inoyatova

EDITORIAL TEAM

academician Alyavi A.L.

prof. Bilalov E.N.

prof. Gadaev A.G.

academician Karimov Sh.I.

prof. Komilov Kh. P.

academician Kurbanov R.D.

prof. Mavlyanov I.R.

academician Nazyrov F.G.

prof. Najmutdinova D.K.

prof. Salomova F.I.

academician Soatov T.C.

prof. Khodjibekov M.X.

prof. Shaykhova G.I.

prof. Jae Wook Choi

EDITORIAL COUNCIL

DSc. Abdullaeva R.M.

prof. Akilov F.O. (Tashkent)

prof. Allaeva M.D. (Tashkent)

prof. Akhmedov R.M. (Bukhara)

prof. Giyasov Z.A. (Tashkent)

prof. Iriskulov B.U. (Tashkent)

prof. Karimov M.Sh. (Tashkent)

prof. Kayumov U.K. (Tashkent)

prof. Israilov R.I. (Tashkent)

prof. Okhunov A.A. (Tashkent)

prof. Parpieva N.N. (Tashkent)

prof. Rakhimbaeva G.S. (Tashkent)

prof. Rizamukhamedova M.Z. (Tashkent)

prof. Sabirov U.Y. (Tashkent)

prof. Sabirova R.A. (Tashkent)

prof. Khalikov P.Kh. (Tashkent)

prof. Khamraev A.A. (Tashkent)

prof. Kholmatova B.T. (Tashkent)

prof. Shagzatova B.X. (Tashkent)

A/Prof. Murod Jafarov (Tashkent)

Journal edited and printed in the computer of Tashkent
Medical Academy editorial department

Editorial board of Tashkent Medical Academy

Head of the department: M.N. Aslonov

Russian language editor: O.A. Kozlova

Corrector: Z.T. Alyusheva

Organizer: Tashkent Medical Academy

Publication registered in editorial and information
department of Tashkent city

Registered certificate 02-00128

Journal approved and numbered under the order 201/3 from 30
of December 2013 in Medical Sciences DEPARTMENT OF SUPREME

ATTESTATION COMMISSION

COMPLETED MANUSCRIPTS PLEASE SEND following address:

2-Farobiy street, 4 floor room 444. Administration building of TMA.
Tashkent. 100109, Toshkent, ul. Farobi, 2, TMA bosh o'quv binosi,
4-qavat, 444-xona.

Contact number: 71- 214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru. rio@tma.uz

Format 60x84 1/8. Usl. printer. I. 9.75.

Listening means «Cambria».

Circulation 150.

Negotiable price

Printed in TMA editorial and publisher department
risograph

2 Farobiy street, Tashkent, 100109.

ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИДА COVID-19ДАН КЕЙИНГИ АСОРАТЛАР БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА MTR ГЕНИДА RS1801394 66A>G ПОЛИМОРФИЗМИ ЧАСТОТАСИНING ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Рустамова Д.А., Қурбонов Ё.Х., Махмадалиева Д.О., Джурраев Ж.А., Юсупов Ш.Ш. Тошкент Тиббиёт Академияси, Ўзбекистон

Кириш. Юз-жағ соҳасининг йирингли-яллиғла-ниш касалликлари билан оғриган беморларни да-волаш, ҳар доимгидек, юз-жағ жарроҳлиги кли-никаларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу патология мамлакатимизда септик яллиғланишнинг энг кенг тарқалган шакли ҳи-собланади. Бироқ, нафақат кечинининг оғирли-ги ва оғир асоратларнинг ривожланиш эҳтимоли тадқиқотчиларни беморларни даволаш сифатини яхшилаш ва давомийлигини қисқартириш масала-лари билан шуғулланишга мажбур қилади. Юз-жағ соҳасининг йирингли-яллиғланиш касалликлари кўпроқ аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатламларини зарарлаб, беморларнинг узоқ вақт стационар ва ам-булатор даволаниш босқичларида қолишларига са-баб бўлади ва шу сабабли ижтимоий-иқтисодий аҳа-миятга эга ҳамдир [2].

Ушбу патологиянинг олдини олиш бўйича таш-кил этилган чора-тадбирларга қарамай, беморлар сони ҳали ҳам юқориликча қолмоқда ва мутахас-сисларнинг фикрига кўра, бу юз-жағ жарроҳига му-рожаат қилган барча беморларнинг 23-38% ни таш-кил қилади [3-7].

Юз-жағ соҳаси яллиғланиш касалликлари оғир кечганда сепсис, медиаститит, пневмония каби асо-ратлар кўп учрайди. Геномни тўлиқ секвенирлаш ва филоген таҳлил ўтказиш шуни кўрсатдики, янги касалликни кўзғатувчи коронавирус, SARS корона-вирусига жуда ўхшайдиган рецепторларни боғлов-чи ген тузилмасига эга ҳамда вирус хужайралар-га кириш учун худди шу - ангиотензин фермент 2 (ACE2) ни ўзгартирувчи рецептордан фойдалана-ди [1]. Вируслар таксономияси бўйича халқаро қў-митанинг Коронавирусни ўрганиш гуруҳи ушбу вирусни коронавирус 2 оғир ўткир респиратор син-дроми (SARS-CoV-2) деб белгилашни таклиф қил-ди [6]. Яна бир бета-коронавирус - Яқин Шарқ ре-спиратор синдроми (MERS) вируси билан узоқроқ боғланган [9]. РНК кетма-кетлигидаги энг яқин ўх-шашлик кўршапалакнинг иккита коронавирусида кузатилади ва COVID-19 вируси бевосита кўршапа-лаклардан юқадими ёки бошқа механизм орқалими (масалан, оралик хўжайин орқали), қайси йўл билан юқишидан қатъий назар, асосий манба кўршапала-клар бўлиши мумкин [10-12]. Филогенетик таҳлил-да Хитойдаги SARS-CoV-2 нинг 103 та штамми ораси-да L (штамmlарнинг 70% ни ташкил этади) ва S тур (30% ни ташкил этади) деб белгиланган икки хил тури аниқланди [11].

Ангиотензинга айлантурувчи ферментнинг (ACE2) бир хужайрали РНК-seq экспрессияси маъ-лумотларини таҳлил қилиш ва бемор намуналарини серологик текшириш SARS-CoV-2 учун ACE2 хужайравий рецептор бўлиши мумкинлигини кўр-сатди [5], бу ACE2-экспрессияловчи хужайралар SARS-CoV-2 инфекцияси юқиши учун мойил бўлган

асосий нишон-хужайра бўлиши мумкинлигини кўр-сатди. Одатда, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг эпителиал хужайраларида ACE2 г нинг юқори экс-прессияси кузатилади, унга айниқса тилнинг эпи-телиал хужайралари бой [2]. Ушбу тадқиқотдан ол-дин сўлак безлари эпителий хужайралари ACE2 рецепторларини экспрессиялайдими ёки йўқлигини аниқ ўрганган бир нечта маълумотлар мавжуд эди. Буни тасдиқлаш учун GTEX маълумотлар тўплами, HPA маълумотлар тўплами, FANTOM5 маълумотлар тўплами ва Consensus маълумотлар тўпламини ўз ичига олган тўртта оммавий маълумотлар тўплам-ларидан (<https://www.proteinatlas.org/>) РНК кет-ма-кетлиги профиллари таҳлил қилинди. Бундан ташқари, сўлакда SARS-CoV-2 нуклеин кислотала-рининг аниқланган даражалари мавжудлигини тек-шириш учун биз COVID-19 билан оғриган беморлар-нинг сўлагини (намуна олишдан олдин ёки олинган куни SARS-CoV-2 нуклеин кислоталари мавжудли-гига мусбат натижа берган) текширдик. Натижалар учта диагностик мезондан бири бўлган орофарин-геал суртмалар билан солиштирилди [3]. Бундан ташқари, биз сўлак безлари саломатлиги ҳолатини баҳолаш учун COVID-19 билан оғриган беморлар-нинг оғиз бўшлиғи ҳолатини текширдик. Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотимиз сўлакда SARS-CoV-2 ни аниқлаш ва оғиз бўшлиғи тўқималарига COVID-19 юққанда оғиз бўшлиғида кузатиладиган дастлабки симптомлар ҳақида тўлиқроқ тасаввурни тақдим этади.

Тадқиқотнинг мақсади

COVID-19 билан оғриган беморларда юз-жағ соҳасидаги йирингли-некротик жароҳатлар кечи-шининг генетик хусусиятларини ўрганишдир.

Тадқиқот материал ва усуллари

2020-2021-йилларда COVID-19 ва унинг юз-жағ соҳасидаги асоратлари билан касалланиб, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси-нинг йирингли жарроҳлик бўлими негизида таш-кил этилган COVID-19 асоратларини даволаш мар-казида даво муолажалари олган 118 нафар беморни комплекс кўрикдан ўтказдик. Ўрганилаётган ҳо-лат сифатида юз-жағ соҳасида йирингли-некротик жараёнлар бўлган беморлардаги яра жараёнининг клиник кўрсаткичлари ва қонидаги иммун ҳимоя омиллари кўриб чиқилди. Ташқи текширувда ва маҳаллий ҳолатни аниқлашда анатомик ҳудудлари шишганлиги туфайли юз ва бўйин конфигурацияси-да ўзгаришлар мавжудлиги аниқланди. Шиш соҳаси-даги терининг ранги визуал тарзда баҳоланди (тана ранги, гиперемия). Палпацияда инфилтратнинг катталиги, оғриқ, терининг таранглиги, флюктуа-циялар мавжудлиги аниқланди. Венсан симптоми-ни аниқлаш ўтказилди. Оғизни очиш даражаси, ял-лиғланиш контрактурасининг оғирлик даражаси ва оғриқ мавжудлиги аниқланди. Барча беморларга

офтальмолог, нейрохирург, ЛОР, ЮЖЖ, невропатолог, ревматолог, гематолог, терапевт, анестезиолог-реаниматолог ва кардиолог каби бир қатор шифокорлар консултацияси ўтказилди.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси


MTR генида rs1801394 66A>G полиморфизми аллеллари ва генотипларининг аниқланиш частоталарини ўрганиш уларнинг 1-2 ва назорат гуруҳлари ўртасида тарқалишидаги фарқларни кўрсатди (1-жадвал).

Тадқиқот давомида А аллелининг аниқланиш частотаси G аллели частотасидан 1-гуруҳда 1,15 марта юқорилиги, назорат гуруҳида эса 8,1 марта юқорилиги қайд этилди (1-диаграмма). 1-гуруҳда A/A генотиби A/G ва G/G генотипларига нисбатан мос равишда 6,99 маротаба камроқ, популяция намунасида эса 4,57 маротаба кўп аниқланди (2-жадвал).

1-жадвал

Беморлар ва назорат гуруҳларида MTR генида rs1801394 (ген 5p15.31 хромосомада жойлашган) 66A>G полиморфизми аллеллари ва генотипларининг тарқалиш частотаси

Группа	Аллеллар частотаси				Генотиплар тарқалишининг частотаси					
	A		G		A / A		A / G		G / G	
	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
Асосий гуруҳ (n = 70)	75	53,57	65	46,43	10	14,29	36	51,43	24	34,29
Назорат гуруҳи (n = 41)	73	89,02	9	10,98	32	78,05	7	17,07	2	4,88



1-диаграмма. Беморлар ва назорат гуруҳларида MTR генида rs1801394 (ген 5p15.31 хромосомада жойлашган) 66A>G аллел ва генотипларининг тарқалиш частотаси

2-жадвал

Беморлар гуруҳларида MTR генида rs1801394 (ген 5p15.31 хромосомада жойлашган) 66 A>G аллел ва генотипик вариантлари частотасидаги фарқлар

Аллеллар ва генотиплар	Текширилган аллеллар ва генотиплар сони				Chi2	p	RR	95%CI	OR	95%CI
	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳи							
	n	%	n	%						
A	75	53,57	73	89,02	29,25	0,00	0,60	0,423-0,857	0,14	0,07-0,288
G	65	46,43	9	10,98	29,25	0,00	1,66	0,48-5,754	7,03	3,467-14,253
A/A	10	14,29	32	78,05	44,694	0,001	0,183	0,062-0,536	0,047	0,019-0,115
A/G	36	51,43	7	17,07	12,859	0,001	3,012	1,768-5,131	5,143	2,101-12,588
G/G	24	34,29	2	4,88	12,466	0,001	7,029	4,523-10,924	10,174	2,807-36,879

2-жадвалдан кўриниб турибдики, назорат гуруҳида G аллелига нисбатан A аллели частотасининг юқорилиги қайд этилди, уларнинг частоталари мос равишда 10,98% ва 89,02% ни ташкил этди. Асосий гуруҳда ҳам частотаси 53,57%га тенг бўлган A аллели, частотаси 46,43% бўлган G аллелидан устунлик қилди. Умуман олганда, амалий соғлом одамларда фарқларнинг намоён бўлиши юқори даражада бўлди, ЮЖСда ковиддан кейинги асоратлар бўлган беморларда A ва G аллеллари ўртасида яққол фарқ мавжуд бўлиб, у 1,15 ни ташкил этди ($\chi^2=29,25$; $p=0,00$; $RR=0,60$; $OR=0,14$; 95% CI: 0,423 - 0,857). Шунингдек, назорат гуруҳига нисбатан ЮЖСда ковиддан кейинги асоратлар бўлган беморларда G генотиби частотасининг 4,22 баравар кўплиги сезиларли статистик аҳамиятга эга. A/G полиморфизми генотипининг аниқланиш частотаси назорат гуруҳидаги қийматларига нисбатан 1-гуруҳда 3,01 бараварга устунлик қилди ($\chi^2=12,859$; $p=0,001$; $RR=3,012$; $OR=5,143$; 95% CI: 1,768 - 5,131). G/G генотипининг учраш частотаси ЮЖСда ковиддан кейинги асоратлар бўлган беморларда 7,02 баравар кўп, у назорат гуруҳида шартли соғлом одамлар орасида мос равишда 34,29 ва 4,88% ни ташкил этди ($\chi^2=12,466$; $p=0,001$; $RR=7,029$; $OR=10,174$; 95% CI: 4,523 - 10,924) (2-жадвал).

Хулоса

Шундай қилиб, биз MTR генидаги 66A>G rs1801394 полиморфизмининг ноқулай G аллели соғлом одамларга қараганда ЮЖСда ковиддан кейинги асоратлар бўлган беморларда кўпроқ тарқалганлигини аниқладик. Ушбу аллел учрашининг юқори частотаси гомозиготали G/G вариантнинг устунлиги билан қайд этилди (2,3 дан 7,02 мартагача). Шу билан бирга, 1-гуруҳ ва назорат гуруҳи ўртасидаги фарқлар тенденция даражасида қайд этилди ва тенденция статистик аҳамиятга эга бўлган чегара даражасида бўлди. Ушбу маълумотлар MTR генидаги 66A>G rs1801394 полиморфизмининг G аллели ва G/G генотиби ЮЖСда ковиддан кейинги асоратларнинг ривожланиш хавфига ва оғир кечишига мойил таъсир қилади, деган хулосага келишимизга имкон беради. Чунки бу полиморфизм геннинг промотор ҳудудида жойлашган ва функционал полиморфизмларга киради. ЮЖСда ковиддан кейинги асоратлар бўлган беморларда G аллелнинг бўлиши G/G генотип мавжудлигида MTR гени ишлаб чиқилишининг пасайиши билан бирга кечади.

Яллиғланишга қарши жавоб генининг намунаси иммун ва яллиғланиш реакциясини ноадекват гиперяллиғланиш реакцияси йўналиши бўйича ўзгартиришга қодир, бу эса ЮЖСдаги ковиддан кейинги асоратларнинг янада оғир шакли юзага келиши ва ривожланишига олиб келади.

Адабиётлар

1. Гаффаров У. Б. и др. Свойства препарата «Бактизев» в комплексной терапии гнойно-воспалительных заболеваний челюстно-лицевой области // Вопросы науки и образования. — 2019. — №. 27 (76).
2. Жураев Х. А., Храмова Н. В. Оценка эффективности шелковой медицинской марли при гнойных ранах челюстно-лицевой области // European science. — 2020. — №. 7 (56).
3. Ибрагимов Д., Азаматов У., Суннатов Э. Применение тантум верде в комплексном лечении гнойно воспалительных заболеваний челюстно-лицевой области // InterConf. — 2021.
4. Мусинов О. Ш., Рузимуродова З. Ш. Возможности препарата «траумель с» у больных с гнойно воспалительными заболеваниями челюстно-лицевой области // Scientific progress. — 2021. — Т. 1. — №. 6. — С. 493-498.
5. Рахимов З. К., Махмудов Ж. К. У., Пулатова Ш. К. Эффективность комплексного лечения острых одонтогенных воспалительных заболеваний челюстно—лицевой области // Биология и интегративная медицина. — 2019. — №. 3 (31).
6. Aravinth R. et al. Contemporary investigative approaches in maxillofacial space infections: A review // Journal of Advanced Medical and Dental Sciences Research. — 2020. — Т. 8. — №. 10. — С. 199-202.
7. Böttger S. et al. Clinical Relevance of the Microbiome in Odontogenic Abscesses // Biology. — 2021. — Т. 10. — №. 9. — С. 916.
8. Chandra H. J. et al. Characterization and antibiotic sensitivity profile of bacteria in orofacial abscesses of odontogenic origin // Journal of maxillofacial and oral surgery. — 2017. — Т. 16. — №. 4. — С. 445-452.
9. Maeda M. et al. A case of nasal septal abscess caused by medication related osteonecrosis in breast cancer patient // Auris Nasus Larynx. — 2016. — Т. 43. — №. 1. — С. 93-96.
10. Moreno T., Varman R., Idicula W. Unique presentation of Aggregatibacter aphrophilus in a superficial left temporal abscess // IDCases. — 2020. — Т. 20. — С. e00753.
11. Oda T. et al. Diffusion-weighted magnetic resonance imaging in oral and maxillofacial lesions: preliminary study on diagnostic ability of apparent diffusion coefficient maps // Oral radiology. — 2018. — Т. 34. — №. 3. — С. 224-228.
12. Song J. Y. Non Hodgkin lymphoma in the maxillary sinus mimicking dental abscess: a case report // Journal of Dental Rehabilitation and Applied Science. — 2016. — Т. 32. — №. 2. — С. 130-134.



СОДЕРЖАНИЕ

Абдуқодиров А, Қурбонов Ф.Р., Абдуқодиров Д.А. АМБУЛАТОР ШАРОИТДА ПАЦИЕНТЛАРНИ ОРТОГНАТИК ОПЕРАЦИЯЛАРГА ТАЙЁРЛАШНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА БУГУНГИ ҲОЛАТИ (АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ)	4
Батырова С. З., Сафаров М.Т., Бобамуратова Д.Т. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРОТЕЗ-ОБТУРАТОРА ДЛЯ ПРОТЕЗИРОВАНИЯ У БОЛЬНЫХ ПОСЛЕ ОСТЕОМИЕЛИТА И ДЕФЕКТАМИ ВЕРХНЕЙ ЧЕЛЮСТИ	9
Ибрагимов Д.Д., Боймуратов Ш.А., Мавлянова У.Н., Шухратова М.М., Рузикулова М.Ш. КЛИНИКО-СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СОЧЕТАННЫХ ТРАВМ КОСТЕЙ ЛИЦЕВОГО СКЕЛЕТА И ПУТИ РЕАБИЛИТАЦИИ БОЛЬНЫХ.	11
Ибрагимов Д.Д. Шухратова М.М., Рузикулова М.Ш. ЭФФЕКТИВНОСТИ ИММУНОКОРРЕКЦИИ БОЛЬНЫХ СОЧЕТАННОЙ ТРАВМОЙ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ТРАВМЫ ЗОНЫ ЛИЦА	14
Matanazarov A.N. "COVID 19 BO'LGAN BEMORLARDA YUZ-JAG' SOXASINING YIRINGLI YALLIG'LANISHLARINI DIAGNOSTIKA VA DAVOLASHNI OPTIMALLASHTIRISH "	16
Боймуродов Ш А ¹ ., Рустамова Д А ² ., Бобамуратова Д Т ² Умаров Р З ³ КАЧЕСТВО КОСТЕЙ ПРИ ОСТЕОМИЕЛИТЕ ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВЫХ КОСТЕЙ У БОЛЬНЫХ С ПОСТКОВИДНЫМ СИНДРОМОМ	20
Рустамова Д.А., Қурбонов Ё.Х., Махмадалиева Д.О., Джурраев Ж.А., Юсупов Ш.Ш. ЮЗ ЖАҒ СОҲАСИДА COVID-19ДАН КЕЙИНГИ АСОРАТЛАР БЎЛГАН БЕМОРЛАР MTHFR ГЕНИДА RS1801133 ПОЛИМОРФИЗМИ ЧАСТОТАСИННИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ	24
Рустамова Д.А., Қурбонов Ё.Х., Махмадалиева Д.О., Джурраев Ж.А., Юсупов Ш.Ш. ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИДА COVID-19ДАН КЕЙИНГИ АСОРАТЛАР БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА MTR ГЕНИДА RS1801394 66A>G ПОЛИМОРФИЗМИ ЧАСТОТАСИННИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ	27
Юсупов Ш.Ш., Нармуротов Б.К., Каримбердиев Б.И., Шухратова М.М., Рузикулова М.Ш. КОМПЛЕКСНЫЙ ПОДХОД К ХИРУРГИЧЕСКОМУ ЛЕЧЕНИЮ БОЛЬНЫХ С ПЕРЕЛОМАМИ СТЕНОК ОРБИТЫ ПРИ СОЧЕТАННЫХ ТРАВМАХ	30
Yusupov Sh.Sh., Bobamuratova D.T., Narmurotov B.K. , Kurbanov Y.Kh. RECONSTRUCTION OF THE TEMPOROMANDIBULAR JOINT AND LOWER JAW RAMUS USING A PATIENT SPECIFIC TITANIUM IMPLANT	35
Шаева Р.Г., Шомуродов К.Э. ГНОЙНО-ВОСПАЛИТЕЛЬНЫЕ ЗАБОЛЕВАНИЯ ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ И ОПТИМАЛЬНЫЕ МЕТОДЫ ИХ ЛЕЧЕНИЯ	40
Билял Н.М. ИЗУЧЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЛЕЧЕНИЯ ПАТОЛОГИИ ДИСТАЛЬНОГО ПРИКУСА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ МОДИФИЦИРОВАННОГО АППАРАТА TWIN-BLOCK	44
Pulatova B.Zh., Achilova N.G. X-RAY FEATURES OF THE USE OF DENSITOMETRY IN OSTEOPOROSIS IN THE CLIMACTERIC PERIOD OF PATIENTS WITH PATHOLOGY OF THE MAXILLOFACIAL REGION	47
Хасанов А.И., Хакимов А.А., Маматалиев А.Р., Пулатов Н.Х., Юсупов Ш.Ш. ПАСТКИ ЖАҒ СУЯГИ СИНИШЛАРИНИ МАХАЛЛИЙ МИНИПЛАСТИНАЛАР БИЛАН ДАВОЛАШ АЛГОРИТМИ	50
Юсупов Ш.Ш., Боймуратов Ш.А., Нармуротов Б.К., Нигматов И.О., Каримбердиев Б.И., Шухратова М.М., Рузикулова М.Ш ХИРУРГИЧЕСКОЕ ЛЕЧЕНИЕ ПЕРЕЛОМОВ НИЖНЕЙ СТЕНКИ ОРБИТЫ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ 3D ТЕХНОЛОГИЙ	55
Элтазарова Г.Ш. ТУҒМА РИВОЖЛАНИШ НУҚСОНЛАРИ ОРАСИДА ҚУЁН ЛАБ-БЎРИ ТАҒЛАЙ АНОМАЛИЯСИННИНГ УЧРАШИ	60